

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2023 йил март ойининг 9 куни, жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида, судья И.Жаббаровнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Саримсоқовнинг котиблигида, давлат айбловчиси Чортоқ туман прокурорининг ёрдамчиси М.Абдуллаев, судланувчи Б.Нуриддиновнинг иштирокида Нуриддинов Бахтиёр Мурадиллаевичга нисбатан 1-1610-2301/19-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш хужжатларига кўра:

Нуриддинов Бахтиёр Мурадиллаевич – 1987 йил 14 февралда Чортоқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, Тошкент Ирригация институти талабаси, муқаддам Чортоқ тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2022 йил 13 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми “а” банди, ЖКнинг 229⁴-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 1 йил 6 ой мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 120 баравари миқдорида 26.760.000 жарима жазоси тайинланган, жаримани 2022 йил 21 ноябрь куни тўлиқ тўлаган, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини 1 йил 27 куни ўталмаган, Чортоқ тумани, “З.Диёр” МФЙ, Ибн Сино кўчаси, 2-уйда яшайди, иш бўйича 2022 йил 5 декабрда гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 10 январь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми, 209-моддаси 2-қисми “а” банди ва 229⁴-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Б.Нуриддинов, 12.03.2019 йилдан 19.11.2020 йилга қадар Чортоқ тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи лавозимида ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоси сифатида фаолият юритиб келиб, мансабдор шахс бўлгани ҳолда, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, комиссия раиси яъни туман ҳокими А.Отаходжаев, ўринбосарлари яъни туман ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари



А.Умурзақов, қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Жумабоев ҳамда туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи О.Бабахановлар билан ўзаро олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 23-моддаси яъни, “эғаликдаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва мулк қилиб берилган ер участкасини бериш (реализация қилиш) ушбу кодексда белгиланган тартибда фақат шу ер участкаси белгиланган тартибда олиб қўйилганидан сўнг (сотиб олинганидан) ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин амалга оширилади” деб кўрсатиб ўтилган талабларга риоя қилмай, унга зид равишда, “туманда яшовчи фуқароларга дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ер участкалари ажратиб бериш тўғрисида”ги туман ҳокимининг 06.07.2020 йилдаги 543-сонли қарорига асосан, “Фарғона Файз” ММТП ҳудудини 176-контурдан 1 нафар фуқарога 0,35 га., 124-контурдан 1 нафар фуқарога 0,30 га., “Рахматилла Ортиқов” ММТП ҳудудини 98-контурдан 1 нафар фуқарога 0,35 га., 60-контурдан 2 нафар фуқарога 0,70 га., “Мучум Чортоқ Мева Узум” агрофирмаси ҳудудини 495-контурдан 1 нафар фуқарога 0,30 га., 173-контурдан 1 нафар фуқарога 0,30 га., жами 7 нафар фуқароларга 2,0 га. ер майдонларини туман ҳокимлиги захирасига ўтказиш бўйича тегишли ҳужжатлар бўлмасада, ушбу ер майдонлари фермер хўжаликларини балансида бўлгани ҳолда фуқароларга дехқон хўжаликлари ташкил этиш ажратиб бериб юборганлар.

Шунингдек Б.Нуриддинов, такроран давом эттириб, ҳокимият ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, ўз мансаб ваколатларидан қасдан фойдаланган ҳолда комиссия раиси яъни туман ҳокими А.Отаходжаев ва унинг ўринбосарлари А.Умурзақов, А.Жумабоев ҳамда О.Қазақовлар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 23-моддаси яъни, “эғаликдаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва мулк қилиб берилган ер участкасини бериш (реализация қилиш) ушбу кодексда белгиланган тартибда фақат шу ер участкаси белгиланган тартибда олиб қўйилганидан сўнг (сотиб олинганидан) ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин амалга оширилади” деб кўрсатиб ўтилган талабларга риоя қилмай, унга зид равишда, “туманда яшовчи фуқароларга дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ер участкалари ажратиб бериш тўғрисида”ги туман ҳокимининг 07.12.2020 йилдаги 1290-сонли қарорига асосан, “Фарғона Файз” ММТП ҳудудини 127-контурдан 2 нафар фуқарога 0,70 га., “Рахматилла Ортиқов” ММТП ҳудудини 2-контурдан 4 нафар фуқароларга 1,05 га., “Хамид Олимжон Бўстони” агрофирмаси ҳудудидан 1 нафар фуқарога 0,30 га., “Мучум Кесканёр техсервис” ММТП ҳудудини 271-контурдан 1 нафар фуқарога 0,20 га., 31-контурдан 1 нафар фуқарога 0,30 га., “Дўстлик Сарой Сохибқори” ММТП ҳудудини 636-контурдан 2 нафар фуқарога 0,65 га., “Мучум Чортоқ Мева Узум” агрофирмаси ҳудудини 62-контурдан 1 нафар фуқарога 0,20 га., 440-контурдан 1 нафар фуқарога 0,20 га., жами 13 нафар фуқароларга 3,6 га. ер майдони туман ҳокимлиги захирасига ўтказиш бўйича тегишли ҳужжатлар бўлмасада, ушбу ер майдонлари фермер хўжаликларини балансида бўлган ҳолда ноқонуний равишда фуқароларга



деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун ажратиб бериб, ер бериш тартибини такроран бузган.

Бундан ташқари Б.Нуриддинов такроран, ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиб, туман ҳокимининг 07.12.2020 йилдаги 1290-сонли қарорига илова қилинган далолатномасида аслида 160 нафар фуқароларга деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун ер майдонлари ажратиб бериш кўрсатилган бўлса-да, бироқ, далолатномага илова қилинган фуқаролар рўйхатига ўзгартириш киритиб, деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб, туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилмаган, тегишли ҳужжатлари ўрганиб чиқилмаган ва ҳужжатлари расмийлаштирилмаган 88 нафар фуқароларни рўйхатга киритиб, уларга 16,16 га. ер майдонларини ноқонуний равишда ажратиб бериб, давлат ва жамият манфаатларига жиддий зиён етказган.

Шунингдек, туман ҳокимининг 06.07.2020 йилдаги 543-сонли қарорига асосан илова қилинган фуқаролар рўйхатида, аслида 94 нафар фуқаролар деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб, туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризаларига тегишли ҳужжатларни тақдим қилишган бўлса-да, бироқ, Б.Нуриддинов расмий ҳужжат ҳисобланган илова рўйхатига ер майдони ажратиб беришни сўраб мурожаат қилмаган 37 нафар фуқароларнинг маълумотларини киритиб, уларга жами 10,39 га. ер майдонларини ноқонуний равишда ажратиб бериб, давлат ва жамият манфаатларига жиддий зиён етказган.

Судланувчи Б.Нуриддинов суд мажлисида, айбига қисман иқрорлиги, 2019 йил 12 мартдан 2020 йил 19 ноябрга қадар туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи вазифасида ишлагани, хизмат вазифаларига ер майдонларини мониторинг қилиб бориш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш, ноқонуний ҳолатларини аниқлаб, тегишли органларга ахборот ва тақдимнома киритиш ва бир вақтнинг ўзида туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш комиссияси аъзоси сифатида унга ер майдонини танлаш, комиссияга тақдим қилиш, далолатнома ва қарор лойиҳасини тайёрлаш, комиссия аъзолари имзолагандан сўнг туман ҳокимлигига тақдим қилиш каби вазифалар кириши, комиссия томонидан далолатнома белгиланган тартиб бўйича тузилганлигини ер майдонини жойига бориб ўрганганидан сўнггина имзолаши, ўтказилган текширишда у ишлаган даврларда Чортоқ туман ҳокимининг 06.07.2020 йилдаги 543-сонли ва 07.12.2020 йилдаги 1290-сонли қарорларни лойиҳасини унга илова қилинган далолатнома ва фуқаролар рўйхатини ўзи тайёрлагани, қарорларни унга илова қилинган далолатномани фуқароларни мурожаатига асосан тайёрлагани, туман ҳокимининг 06.07.2020 йилдаги 543-сонли ва 07.12.2020 йилдаги 1290-сонли қарорлари бўйича ҳозирда қанча нафар фуқаролар ер майдони ажратиб беришни сўраб мурожаат қилганини аниқ эслай олмаслиги, нима сабабдан, далолатномага илова қилинган фуқароларни рўйхатига ариза билан мурожаат қилган 241 нафар фуқаролардан ташқари, 125 нафар фуқароларни ҳам рўйхатда кўрсатганлигини билмаслиги, туман ҳокимининг 06.07.2020 йилдаги 543-сонли ва 07.12.2020 йилдаги 1290-сонли қарорларидаги ва далолатнома ҳамда фуқаролар рўйхатидаги имзолар унга



тегишли экани, имзоларни ўзи қўйганини, туман хокимининг 07.12.2020 йилдаги 1290-сонли қарорида “Захириддин Мухаммад Бобур” агрофирмаси худудидан фуқароларга дехқон хўжаликлари ташкил этиш учун ер майдонларини ажратиб бериш кўрсатилмаган бўлса-да нима сабабдан рўйхатда 22 нафар фуқароларни кўрсатилганлигини ҳозирда эслай олмаслигини, ҳақиқатдан ҳам туман хокимининг 07.12.2020 йилдаги 1290-сонли қарорига асосан, туман хокими номига ариза билан мурожаат қилган 13 нафар фуқароларга 3,6 га ер майдони 06.07.2020 йилдаги 543-сонли қарорга асосан, 7 нафар фуқароларга 2,0 га ер майдони Ер кодексининг 23-моддаси талабларига зид равишда фермер хўжалиklarининг ҳисобида бўлган ер майдонлардан ажратиб берилганлиги тўғрилиги, ушбу ҳолатларга эътиборсиз бўлиб, ер майдонларини тўлиқ қайтатдан ўрганиб чиқмаганидан келиб чиққани, туман хокимининг 06.07.2020 йилдаги 543-сонли ва 07.12.2020 йилдаги 1290-сонли қарорларини илова ҳужжатларида дехқон хўжалиги учун ер ажратилган фуқароларнинг туман хокими номига дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонлари ажратиб беришни сўраб ёзган мурожаатлари мавжуд бўлмаган бўлса ҳам ер майдонлари ажратиб берилгани, аризаларни текшириб кўрмаганлиги учун шундай ҳолатлар келиб чиққани, ҳозирда қилган ишларидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гарчанд судланувчи Б.Нуриддинов айбига қисман иқрорлигини билдириб кўрсатув берган бўлса-да, унинг жиноят содир этганликдаги айби қўйидаги далиллар билан ўз исботини топган. Жумладан;

гувоҳ А.Ўроқчиевни суд мажлисидаги, ҳақиқатдан ҳам “Ўроқчиев Абдурахмон” фермер хўжалигини 2019 йилда ташкил қилиб, ҳозирги кунга қадар ишлаб келиши, фермер хўжалиги боғдорчилик йўналишига ихтисослашгани, умумий ер майдони 11,2 гектарни ташкил қилиши, унга қарашли бўлган фермер хўжалигини 62қ-контуридан Чортоқ туман Ўзбекистон МФЙда яшовчи фуқаро А.Воҳидовга 0,20 га ер майдони дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ажратиб берилгани тўғрилиги, фермер хўжалигига қарашли бўлган 62қ-контур сув танқис бўлган ер майдони хисобланиши, фермер хўжалигини 62қ-контуридаги ер майдонини туман хокими захирасига ўтказиш бўйича туман хокими номига ариза қилиб бермагани, ҳозирда ҳам ушбу ер майдони фермер хўжалигини балансида тургани, ушбу ер майдонини захирага олмасдан фуқаро А.Воҳидовга дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ажратиб берилгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ А.Воҳидовни суд мажлисидаги, ҳақиқатдан ҳам тахминан 2020 йилда дехқончилик билан шуғулланишга ер майдони ажратиб беришни сўраб, туман хокимлигига ариза билан мурожаат қилгани, аризаси туман хокимлиги томонидан ўрганиб чиқилиб, туман хокимининг 07.12.2020 йилдаги 1290-сонли қарорига асосан “Мучум Чортоқ мева узум” агро фирма худудида жойлашган “Ўроқчиев Абдурахмон” фермер хўжалигини 62қ-контуридан 0,20 га дехқон хўжалиги учун ер майдони ажратиб берилгани, ҳозирда ушбу ер майдонига турли хил турдаги экинларни экиб оиласи билан бирга ердан фойдаланиб келаётгани, ҳозирги кунга қадар ердан фойдаланиб келгани учун солиқ ва бошқа тўловларни амалга оширмагани, унга ушбу ер майдони қонунга зид равишда ажратиб берилганидан хабари



йўқлиги, ер майдонини аризасига асосан ажратиб берилгани, аризаси билан айнан қайси ташкилот ва қайси ходим шуғуллангани, ер майдонни ким ўлчаб берганини аниқ билмаслиги, деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиб бериш эвазига туман хокимлиги мансабдор шахслари ёки бошқа мансабдор шахсларни ёхуд бирор-бир фуқароларни моддий манфаатдор этмагани, унга деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ажратилган 0,20 га ер майдони “Ўроқчиев Абдурахмон” фермер хўжалиги балансида тургани, ер майдони ажратилганлиги тўғрисида унда фақат туман хокимининг қарори мавжудлиги, бошқа асослантирувчи ҳужжатлари мавжуд эмаслиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ Т.Абдурахимовнинг суд мажлисидаги, ҳақиқатдан ҳам “Дедамирза Миришкори” фермер хўжалигини 2006 йилдан ҳозирги кунга қадар раҳбари вазифасида ишлаб келиши, туман хокимининг 07.12.2020 йилдаги 1290-сонли қарорига асосан, “Дедамирза Миришкори” фермер хўжалигини 181қ-контуридан Чортоқ туман, Гулдиров МФЙда яшовчи фуқаро Эрматова Дилбарга 0,30 га ер майдони деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ажратиб берилганидан хабари бўлмагани, фермер хўжалигини 181қ-контуридаги ер майдонини туман хокими захирасига ўтказиш бўйича туман хокими номига ариза бермагани, ҳозирда ҳам ушбу ер майдони фермер хўжалиги балансида тургани, ушбу ер майдонини захирага олмасдан фуқаро Д.Эрматовага деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ажратиб берилгани, ушбу ер майдонига солиқ ва бошқа тўловларни ўзи тўлаб келаётгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ Д.Эрматовани суд мажлисидаги, ҳақиқатдан ҳам деҳқончилик билан шуғулланишга ер майдони ажратиб беришни сўраб, 2020 йилда туман хокимлигига ариза билан мурожаат қилгани, аризаси туман хокимлиги томонидан ўрганиб чиқилиб, унга туман хокимининг 07.12.2020 йилдаги 1290-сонли қарорига асосан “Хамид Олимжон Бўстони” агрофирмаси ҳудудида жойлашган “Дедамирза Миришкори” фермер хўжалигининг 181-контуридан 0,20 га деҳқон хўжалиги учун ер майдони ажратиб берилгани, ҳозирда ушбу ер майдонига турли хил турдаги экинларни экиб оиласи билан бирга ердан фойдаланиб келаётгани, ҳозирги кунга қадар ердан фойдаланиб келганлиги учун солиқ ва бошқа тўловлар чиқмагани, ер майдони қонунга зид равишда ажратилганидан хабари йўқлиги, ер майдони ажратиб берилишини сўраб туман хокими номига ариза билан мурожаат қилгани, бошқа ҳаракатлар қилмагани, аризасига асосан унга ер майдони ажратиб берилгани, деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиб беришда туман хокимлигига мурожаат қилгани, бироқ, унинг аризаси билан айнан қайси ташкилот ва қайси ходим шуғулланганлигини, ер майдонни ким ўлчаб берганлигидан хабари бўлмагани, деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиб бериш эвазига туман хокимлиги мансабдор шахслари ёки бошқа мансабдор шахсларни ёхуд бирор-бир фуқароларни моддий манфаатдор этмагани, деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ажратилган 0,20 га ер майдони қайси фермер хўжалигини балансида турганлигини билмаслиги, ер майдони ажратилганлиги тўғрисида унда фақат туман хокимининг қарори борлиги, бошқа асослантирувчи ҳужжатлари мавжуд эмаслиги ҳақидаги кўрсатуви билан;



гувоҳ М.Нуриддиновни суд мажлисидаги, ҳақиқатдан ҳам “Короскон Олтин Диёр” фермер хўжалигини 2018 йилдан ташкил қилиб, ҳозирги кунга қадар раҳбари вазифасида ишлаб келиши, туман хокимининг 06.07.2020 йилдаги 543-сонли қарорига асосан, “Короскон Олтин Диёр” фермер хўжалигини 98-контуридан Чортоқ туман, Истиқлол МФЙда яшовчи фуқаро Ахмедова Камолага 0,35 га ер майдони дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ажратиб берилгани тўғрилиги, фермер хўжалигини 98-контуридаги ер майдонини туман хокими захирасига ўтказиш бўйича туман хокими номига ариза бермагани, ҳозирда ҳам ушбу ер майдони фермер хўжалиги балансида тургани, ушбу ер майдонини захирага олмасдан фуқаро К.Ахмедовага дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ажратиб берилгани, ушбу ер майдонига солиқ ва бошқа тўловларни ўзи тўлаб келаётгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ Д.Акрамованинг суд мажлисидаги, ҳақиқатдан ҳам “Дехқончилик билан шуғулланишга ер майдони ажратиб беришни сўраб, туман хокимлигига ариза билан мурожаат қилмагани, ушбу масала юзасидан бошқа ташкилотга ҳам мурожаат қилмагани, туман хокимининг 07.12.2020 йилдаги 1290-сонли қарорига асосан, “Раҳматилла Ортиқов” ММТП худудида жойлашган “Қимматхон Бодомлари” фермер хўжалигининг 139-контуридан 0,30 га ер майдони дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ажратилганлигидан хабари бўлмагани, унга ер майдони ажратилгани туман прокуратурасига келган вақтида билгани, ҳозирги кунга қадар бирор-бир ташкилотдан ходимлар келиб унга ер майдонини ўлчаб бермагани, ушбу ер майдони қайерда жойлашганидан хабари йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ Ш.Атавалиевнинг суд мажлисидаги, ҳақиқатдан ҳам дехқончилик билан шуғулланишга ер майдони ажратиб беришни сўраб, 2020 йилда туман хокимлигига ариза билан мурожаат қилгани аризаси туман хокимлиги томонидан ўрганиб чиқилгани, унга туман хокимининг 07.12.2020 йилдаги 1290-сонли қарорига асосан, “Мучум Кесканёр Техсервис” ММТП худудида жойлашган “Ёқубжон Улуғбек Абдурахмон” фермер хўжалигининг 271-контуридан 0,20 га дехқон хўжалиги учун ер майдони ажратиб берилгани, Ҳозирда ушбу ер майдонига турли хил турдаги экинларни экиб оилси билан бирга ердан фойдаланиб келаётгани, ҳозирги кунга қадар ердан фойдаланиб келганлиги учун солиқ ва бошқа тўловларни амалга оширмагани, ажратилган ер майдони Ер кодексининг 23-моддасига зид равишада ажратилганидан хабари бўлмагани, ер майдони ажратиб берилишини сўраб туман хокими номига ариза билан мурожаат қилгани, бошқа ҳаракатлар амалга оширмагани, аризасига асосан менга ер майдони ажратиб берилгани, дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиб беришда туман хокимлигига мурожаат қилгани, унинг аризаси билан айнан қайси ташкилот ва қайси ходим шуғулланганлигини билмаслиги, ер майдонни худуд земламери Мадумар Олимжон ўлчаб бергани, Дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиб бериш эвазига туман хокимлиги мансабдор шахслари ёки бошқа мансабдор шахсларни ёхуд бирор-бир фуқароларни моддий манфаатдор этмагани, дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ажратилган 0,20 га ер майдони “Ёқубжон Улуғбек Абдурахмон” фермер хўжалигини балансида тургани, ер майдони



ажратилганлиги тўғрисида унда фақат туман хокимининг қарори ва кадастр хужжатлари борлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ А.Ўтанбоевни суд мажлисидаги, ҳақиқатдан ҳам отаси А.Избосаров дехқончилик билан шуғулланишга ер майдони ажратиб беришни сўраб, уни номидан 2020 йилда туман хокимлигига ариза билан мурожаат қилгани, аризаси туман хокимлиги томонидан ўрганиб чиқилиб, унга туман хокимининг 06.07.2020 йилдаги 543-сонли қарорига асосан “Мучум Чортоқ Мева Узум” агрофирмаси ҳудудида жойлашган “Халол Риск” фермер хўжалигини 173-контуридан 0,30 га дехқон хўжалиги учун ер майдони ажратиб берилгани, ҳозирда ушбу ер майдонига турли хил турдаги экинларни экиб оиласи билан фойдаланиб келаётгани, солиқ ва бошқа тўловлар чиқмагани, ер майдони қонунга зид равишда ажратилганидан хабари бўлмагани, ер майдони ажратиб берилишини сўраб туман хокими номига ариза билан мурожаат қилгани, бошқа ҳаракатлар амалга оширмагани, аризаси билан айнан қайси ташкилот ва қайси ходим шуғулланганлигини билмаслиги, ер майдонни ким ўлчаб берганлигидан хабари бўлмагани, дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиб бериш эвазига туман хокимлиги мансабдор шахслари ёки бошқа мансабдор шахсларни ёхуд бирор-бир фуқароларни моддий манфаатдор этмагани, ажратилгани 0,30 га ер майдони қайси фермер хўжалигини балансида турганлигини билмаслиги, ер майдони ажратилганлиги тўғрисида унда фақат туман хокимининг қарори борлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ М.Мусаевнинг суд мажлисидаги, ҳақиқатдан ҳам “Мухсун Улуф Каримжон” фермер хўжалигининг 2018 йилдан ҳозирги кунга қадар раҳбари экани, фермер хўжалигининг 536-контуридан фуқаро Юлдашев Ахмадхўжага 0,30 га, Ширинбеков Жавохирга 0,30 га, Каримов Сардорга 0,30 га ҳамда ўзига 0,30 га ер майдони дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ажратиб берилмагани, ҳозирда мен ушбу ер майдонига ғалла эггани, 2019 йилда дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб, туман хокими номига ариза билан мурожаат қилганлигини ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ М.Атахановани суд мажлисидаги, ҳақиқатдан ҳам турмуш ўртоғи А.Атаханов дехқончилик билан шуғулланишга ер майдони ажратиб беришни сўраб, унинг номидан 2020 йилда туман хокимлигига ариза билан мурожаат қилгани, аризаси туман хокимлиги томонидан ўрганиб чиқилиб, унга туман хокимининг 06.07.2020 йилдаги 543-сонли қарорига асосан “Фарғона Файз” ММТП ҳудудида жойлашган “Исмоил Хасан Илхом” фермер хўжалигини 176-контуридан 0,35 га дехқон хўжалиги учун ер майдони ажратиб берилгани, ҳозирда ушбу ер майдонидан фойдаланиб келиши, ажратилган ер майдони Ер кодексининг 23-моддасига зид равишда ажратилганидан хабари бўлмагани ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ К.Ахмедовани суд мажлисидаги, дехқончилик билан шуғулланишга ер майдони ажратиб беришни сўраб, 2020 йилда туман хокимлигига ариза билан мурожаат қилгани, аризаси туман хокимлиги томонидан ўрганиб чиқилиб, унга туман хокимининг 06.07.2020 йилдаги 543-сонли қарорига асосан “Рахматилла Ортиқов” ММТП ҳудудида жойлашган “Короскон Олтин Диёр” фермер хўжалигини 98-контуридан



0,35 га дехкон хўжалиги учун ер майдони ажратиб берилгани, ҳозирда ушбу ер майдонига турли хил турдаги экинларни экиб оиласи билан бирга ердан фойдаланиб келаётгани, дехкон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиб беришда туман ҳокимлигига мурожаат қилгани, ариза билан айнан қайси ходим шуғулланганлигини билмайслиги, ер майдонни “Умархон” исмли худуд земламери ўлчаб бергани, дехкон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиб бериш эвазига туман ҳокимлиги мансабдор шахслари ёки бошқа мансабдор шахсларни ёхуд бирор-бир фуқароларни моддий манфаатдор этмагани, ажратилган 0,35 га ер майдони “Короскон Олтин Диёр” фермер хўжалигини балансида тургани ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ Ш.Бойхановни суд мажлисидаги, у Уйчи туман Қишлоқ хўжалиги бўлимида мутахассис вазифасида ишлаб келиши, Чортоқ туман прокуратурасининг 06.10.2022 йилдаги 15/140002/-2022-72-22-сонли хатига асосан, туман хокимининг 07.12.2020 йилдаги 1290-сонли, 06.07.2020 йилдаги 543-сонли, 21.12.2019 йилдаги 6779-сонли, 25.12.2020 йилдаги 1371-сонли ҳамда 09.02.2019 йилдаги 522-сонли қарорларига асосан текшириш ўтказилгани, текширишда туман хокимининг 07.12.2020 йилдаги 1290-сонли қарорига асосан, “Мучум Чортоқ Мева Узум” агрофирмаси, “Фарғона Файз” ММТП, “Р.Ортиқов номли” ММТП, “Ҳамид Олимжон бўстони” агрофирмаси, “Пешқўрғон Саховат Сохиби” агрофирмаси “Алихон Дехкон Қаноти” ММТП, “Ойқирон Миришкорлари” ММТП, “Дўстлик Сарой Сохиби” ММТП, “Мучум Кесканёр тех.сервис” ММТП, “Ҳазратишоҳ Миришкорлари” агрофирмаси худудларидан фуқароларга туман ҳокимлиги хузурида бўлган ўзлари фойдаланиб келаётган 160 нафар фуқароларга 44,66 гектар ер майдонлари дехкон хўжалиги ташкил этиш учун ажратиб бериш кўрсатилган бўлса-да, қарорни илова қисмида 235 нафар фуқароларга 56,03 га ер майдони ажратиб берилганлиги кўрсатилгани, туман хокимининг 07.12.2020 йилдаги 1290-сонли қарори ва далолатномасида “Захириддин Муҳаммад Бобур” Агрофирмаси худудидан фуқароларга дехкон хўжаликлари учун ер майдонлари ажратиб берилганлиги кўрсатилмаган бўлса-да, бироқ, қарор иловасида 22 нафар фуқароларга 6,75 га ер майдони “Захириддин Муҳаммад Бобур” Агрофирмаси худудидан ажратиб берилганлиги кўрсатилгани, туман хокимининг 07.12.2020 йилдаги 1290-сонли қарорини илова қисми ўрганилганида дехкон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб, туман ҳокимлигига 147 нафар фуқаролар ариза билан мурожаат қилгани, ушбу фуқароларни аризалари тегишли тартибда рўйхатга олинганлиги аризада илова хужжатлар мавжудлиги кўрилгани, қолган 88 нафар фуқароларнинг дехкон хўжаликлари учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилмаганлиги аниқлангани, туман хокимининг 07.12.2020 йилдаги 1290-сонли қарорига асосан дехкон хўжаликлари учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ариза билан мурожаат қилган 147 нафар фуқаролардан 13 нафарига 3,6 га ер майдони Ер кодексининг 23-моддаси талабларига зид равишда фермер хўжалиklarининг ҳисобида бўлган ер майдонлардан ажратиб берилганлиги аниқлангани, туман хокимининг 06.07.2020 йилдаги 543-сонли қарори ва унинг иловаси ўрганилганида, туман худудида яшовчи 131 нафар фуқароларга дехкон хўжаликлари ташкил этиш



учун ер майдонлари ажратиб берилгани кўрсатилгани, бироқ, туман хокимининг ушбу қарори ўрганилганида, дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб, туман ҳокимлигига 94 нафар фуқаролар ариза билан мурожаат қилгани, ушбу фуқароларни аризалари тегишли тартибда рўйхатга олинганлиги аризада илова хужжатлар мавжудлиги кўрилгани, қолган 37 нафар фуқароларнинг дехқон хўжаликлари учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида туман хокими номига ариза билан мурожаат қилмагани аниқлангани, туман хокимининг 06.07.543-сонли қарорига асосан дехқон хўжаликлари учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ариза билан мурожаат қилган 94 нафар фуқаролардан 7 нафарига 2,0 га ер майдони Ер кодексининг 23-моддаси талабларига зид равишда фермер хўжаликлари ҳисобида бўлган ер майдонлардан ажратиб берилганлиги аниқлангани, бундан ташқари, туман хокимининг 25.12.2020 йилдаги қарорига асосан, тумандаги “Бешкапа”, “Тинчлик”, “Боғистон” МФЙ худудларида “Кичик саноат зона”лари ташкил этиш учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ва ер майдонлари ажратиб бериш тўғрисида”ги 1371-сонли қарори қабул қилингани, ўрганишда, туман хокимининг ушбу қарорига асосан, тумандаги “Короскон иқтисодиёт коллежи” худудидан 1,50 га ер майдони ажратиб берилганлиги аниқлангани, туман хокимининг ушбу қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.09.2018 йилдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли қарори талабларига зид равишда Халқ таълими вазирлигининг ер майдонларини бегоналаштириш юзасидан розилиги олинмасдан қабул қилинганлиги аниқлангани, шунингдек, Чортоқ туман хокимининг 09.02.2019 йилдаги 522-сонли қарорига асосан, туманидаги 8-сонли умумий ўрта таълим мактабининг ер майдонидан 0,11 га ер майдони туман хокимлиги захира ер фондига қайтариб, аҳоли қатнов йўли ўтказиш учун ажратиб берилганлиги аниқлангант, туман хокимининг ушбу қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.09.2018 йилдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли қарори талабларига зид равишда Халқ таълими вазирлигининг ер майдонларини бегоналаштириш юзасидан розилиги олинмасдан қабул қилинганлиги аниқлангани, шу каби, туман хокимининг 21.12.2019 йилдаги 6779-сонли қарорига асосан, намунавий лойиҳалар асосида кўп квартирали арзон уй-жойлар қурилиши учун 28-сонли умумий ўрта таълим мактаби худудидан 1,20 га ер майдони ажратиб берилганлиги аниқлангани, туман хокимининг ушбу қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.09.2018 йилдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли қарори талабларига зид равишда Халқ таълими вазирлигининг ер майдонларини бегоналаштириш юзасидан розилиги олинмасдан қабул қилинганлиги аниқлангани, бундан ташқари, Чортоқ туман “Раҳматилла Ортиқов” ММТП худудида жойлашган “Короскон Мадинаси” фермер хўжалигига қарашли бўлган, 84қ-контурдан 3,0 га ер майдони туман хокимининг 24.07.2020 йилдаги 591-сонли қарори билан туман хокимлиги захирасига олингани, “Короскон Мадинаси” фермер хўжалигига қарашли бўлган 84қ-контурда жойлашган 1,20 га ер майдонини



фуқаролар А.Сайдуллаев, А.Рахматов, О.Қориев, Х.Ахмедов, К.Муминов, М.Солиева, Ш.Ахмедова, Н.Пўлатов, Х.Саидмаматов, А.Муллабоев, Х.Жўраев, А.Абдурахманов ҳамда Ш.Зуннурбоевлар томонидан ер майдонлари ажратиш тўғрисидаги туман хокимининг қарори ёки бошқа асосли ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги аниқлангани, шунингдек, “Корскон Мадинаси” фермер хўжалигига қарашли бўлган 84қ-контурда жойлашган ер майдонларини жойига бориб ўрганилганида, фуқаролар Ахмедов Хусанбой, Муминов Комилжон, Пўлатов Нурали, Муллабоев Абдурашид, Жўраев Хожиахмад ҳамда Зуннурбоев Шерзод томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонларига қурилиш ишлари амалга оширилгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳлар Д.Сиддиқов ва Б.Дехқоновларни суд мажлисидаги, гувоҳ Ш.Бойхановни кўрсатувларини тасдиқлаб, у билан бир хил мазмунда берган кўрсатувлари билан;

бундан ташқари, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси мутахассисларининг маълумотномаси ва унинг илова ҳужжатлари (ж.и 1-жилд 5-119 и.в), Чортоқ туман хокимининг ер ажратиш бўйича қарорлари нусхалари ва илова ҳужжатлари (ж.и 1-жилд 261-300 и.в), фуқаро Б.Бурановга деҳқон хўжалигидан фойдаланиш учун ажратиб берилган ер майдони қишлоқ хўжалик харитаси (ж.и 3-жилд 1-3 и.в), мутахассисларнинг 2022 йил 17 ноябрдаги текшириш далолатномаси ва унга илова ҳужжатлари (ж.и 3-жилд 211-251 и.в), Чортоқ туман хокимининг 2020 йил 6 июндаги 543-сонли ҳамда 2020 йил 12 июлдаги 1290-сонли қарори ва уларга илова қилинган ҳужжатлар асли (ж.и 5-жилд 33-51 и.в), дафтар кўздан кечириш баённомаси ва унга илова (5-жилд 52-87 и.в), ёзма ашъвий далиллар ҳамда ишда тўланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Б.Нуриддиновни мансабдор шахс бўлгани ҳолда, бир гуруҳ бўлиб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиб, расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш орқали мансаб сохтакорлигига йўл қўйиб, ҳокимият ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, жами 32,15 га. ер майдонни ноқонуний равишда ажратиб бериш орқали давлат ва жамият манфаатларига жиддий зиён етказишганликда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми, 209-моддаси 2-қисми “а” банди ва 229⁴-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин.” деб, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи



ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.” деб, 4-бандида “Қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт.” деб, 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим” деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбуллигига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд, ишдаги судланувчиларни айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбуллигига тааллуқли шартларнинг бирон-бир талаби бузилмаган, уларни номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 54, 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, Б.Нуриддиновга жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, яшаш ва иш жойидан ижобий тавсифланганлигини, қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, уни шахсини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, уни



жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бор деган хулосага келиб, унга нисбатан у айбли деб топилаётган ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми ва 229⁴-моддаси 2-қисми санкциялари доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Б.Нуриддинов жиноятни бевосита мансаб ваколати билан боғлиқ ҳолда содир этгани сабабли, келгусида у томонидан шу каби жиноятларни содир этилишини олиш учун ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо тайинлашни, шунингдек, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2022 йил 13 сентябрдаги ҳукми билан тайинланган 1 йил 6 ой мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосининг ўталган муддатини қисман қўшиб, узил-кесил жазо тайинлашни лозим топди.

Шунингдек, жиноят иши бўйича ёзма ашёвий далил сифатида эътироф этилган, маълумотномалар, далолатнома, қарорлар ва унга илова қилинган бошқа ҳужжатларнинг асл нусхаларини иш ҳужжатларига қўшиб сақлашни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471-473 – моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Нуриддинов Бахтиёр Мурадиллаевич Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми, 209-моддаси 2-қисми “а” банди ва 229⁴-моддаси 2-қисми “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Нуриддинов Бахтиёр Мурадиллаевичга;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229⁴-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида жазоларни қисман қўшиб ўташ учун узил-кесил 1 (бир) йил 6 (олти) ой мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига



ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2022 йил 13 сентябрдаги ҳукми билан тайинланган 1 йил 6 ой мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосининг ўталган муддатини қисман қўшиб, ўташ учун узил кесил 1 (бир) йил 7 (етти) ой мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўз иш жойида ўтатирилсин. Жазо муддати ҳукм жазои жросини назорат қилувчи органлар томонидан ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазолар турлича бўлганлиги сабабли алоҳида-алоҳида ижро этилсин.

Нуриддинов Бахтиёр Мурадиллаевичга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чоралари ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин. Гаров сифатида олиниб, Б.Нуриддиновда сақланаётган ВА3-21033 русумли 50Z165КА давлат рақам белгилли транспорт воситаси Б.Нуриддиновда қолдирилсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилган, маълумотнома, далолатнома, қарорлар ва унга илова қилинган бошқа ҳужжатларнинг асл нусхалари иш ҳужжатларига қўшиб сақлансин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, йигирма сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали апелляция тартибида Наманган вилоят судига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

И.Жаббаров

